БОШҚАРИШДА ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Маманазаров Ойбек Шомуродович,
Ренессанс таълим университети,
“Иқтисодиёт” кафедраси профессори.

Аннотация: *Ушбу мақолада бошқарувда иқтисодий механизмнинг методологик асослари, хўжалик механизми тушунчаси, корхона иқтисодий механизмининг функционал-мақсадли тизимининг шакллантириш масалалари ёритиб берилган.*

Калит сўзлар: *механизм, бозор механизми, хўжалик механизми, иқтисодий механизм, корхона иқтисодий механизми.*

Илмий адабиётларда самарали хўжалик юритишни амалга ошириш ва ташкил этиш билан боғлиқ кўпгина тушунчалар: хўжалик механизми, хўжалик юритишнинг иқтисодий механизми, хўжаликни бошқариш механизми, иқтисодиётни бошқариш хўжалик механизми, хўжалик бошқарув механизми, бозор механизми учрайди.

“Механизм” тушунчаси (юнон тилидан таржима қилинганда-“машина” маъносини англатади) иқтисодиёт назарияси асосчилари томонидан механикадан киритилган. Иқтисодий адабиётда механизм деганда иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатиш усуллари ва воситалари йиғиндиси тушунилади.

Ушбу категорияни турли хил давр ва формациялар иқтисодчилари тамонидан кенг қўлланилган. Маълумки, ҳар бир ижтимоий-иқтисодий формация ўз хўжалик механизмига эга бўлиб, ишлаб чиқариш бир усулидан бошқасига ўтганда хўжалик механизми ҳам ўзгаради.

Бозор механизми-бу бозор тизимига хос бўлган, бир-бирини тақозо этувчи ва биргаликда амал қилувчи иқтисодий воситалардир. Булар жумласига талаб, таклиф, товар нархлари, бозор конъюнктураси, пул фойда, зарар, фоиз, иқтисодий мажбурият, рақобат кабилар киради.

“Корхона хўжалик механизми - бу хўжалик юритишнинг тамойил, усул ва шакллари кўлами бўлиб, улар ёрдамида ишлаб чиқариш жараёни ва меҳнат жамоасини бошқариш, меҳнат жамоасини бошқариш муносабатлари тизими билан ишлаб чиқариш асосий воситалари ўртасида алоқа ва ўзаро таъсир амалга оширилади”.

Хўжалик механизми-бу кенг ишлатилишига қарамасдан ҳозирча, иқтисодий фанда зарур бўлган ҳуқуқни ва ўринни эгалламаган мураккаб, кўп қиррали тушунча. Хўжалик механизмининг назарий концепциясини яратиш

қийин ва мураккаб вазифадир. Гап бу ерда фақат ўрганиш предметининг ноаниқлигида эмас, балки мазкур предметни тавсифлаш жараёнидаги мавжуд тушунча аппаратининг нисбатан мослашмаганлигидадир. Мана шу ўзига хосликка хўжалик механизми муаммолари бўйича тадқиқот олиб борувчи таниқли иқтисодчи-олим академик Л.И.Абалкин хўжалик механизмини мураккаб ва кўп режали иқтисодиётнинг амал қилишининг ҳам ички жараёнини ҳам унинг ишлаб чиқариш кучлари ва жамият устқурмаси билан ўзаро боғлиқлигини акс эттирувчи тушунча сифатида таърифлайди. Хўжалик механизмининг самарали амал қилиши унинг ҳамма томонлама илмий асосланишини келтириб чиқаради. Хўжалик юритишнинг шакл ва усуллари илмий тамойиллар асосида танланиши керак.

Академик В.А.Медведев хўжалик механизмига жамиятнинг иқтисодий қонунларини аниқ юзага келган ҳолатни эътиборга олган ҳолда фойдаланадиган хўжалик юритишнинг аниқ шакллари ва ташкилий тузилмаларнинг, бошқарув усуллари ва ҳуқуқий нормаларнинг йиғиндиси сифатида таъриф беради.

В.Ф.Филиппов хўжалик механизмининг моҳиятини қуйидаги тарзда таърифлайди: “хўжалик механизми ўз ичига бошқарувнинг асосий қисми ҳисобаланадиган режалаштиришни, иқтисодий дастаклар ва рағбатларни, хўжалик органларининг ташкилий тузилмаларини, улар ишининг усул ва услубларини, ишлаб чиқаришни бошқаришда меҳнат жамоаси қатнашишининг турли шаклларини жамлайди”.

Юқорида хўжалик ва иқтисодий механизмга берилган таърифларни кўриб чиққан ҳолда қуйидаги муаммоларни аниқлаш мумкин. Биринчидан, таҳлил қилинадиган ва хўжалик механизми ёрдамида тартибга солинадиган хўжалик механизмининг объектив асосининг қандайлиги, яъни бунда реал иқтисодий жараённинг ноаниқлигидир.


Иккинчидан, агарда иқтисодий механизм-хўжалик юритиш аниқ шаклининг ва ташкилий тузилмаларнинг, бошқарув усуллари ва ҳуқуқий нормалар ва ҳ.кларнинг йиғиндиси бўлса, у ҳолда хўжалик механизмининг ушбу барча элементлари замонавий шароитда объектив иқтисодий жараён кечаётган ҳолатларга қай даражада мос келиши масаласи пайдо бўлади.

Юқорида қайд этиб ўтилган таърифларни таҳлил қилиш натижасида, уларнинг барчаси хўжалик ва иқтисодий механизмни ташкилот ичидаги механизм сифатида аниқлайди, ва ташкилотларнинг ўзаро таъсири учун иқтисодий механизмнинг моҳиятини тўла тушунтириб бермайди.

Ушбу хулосаларга ва адабиётлардаги турли хорижий ва ватанимиз олимларининг ёндашувларига асосланган ҳолда корхонанинг функционал-мақсадли иқтисодий механизмини тасвирлаш мумкин (1-расм.).

Иқтисодиётни марказлаштирилган-режали бошқарув тизими шароитида бошқарувнинг хўжалик механизми (иқтисодий механизми) иқтисодиётни бошқариш тизимининг таркибий қисми сифатида қаралиб, унинг ёрдамида бошқарувни давлат органлари томонидан мамлакат, минтақа, тармоқ, ҳудудни ривожлантиришнинг аниқ мақсадлари, йўллари ва воситалари борасида ишлаб чиқиладиган қарорлар инсонлар манфаатлари ҳамда уларнинг ҳаракатлари тизимига айланганди. Шу сабабли маъмурий бошқарув тизими даврида хўжалик механизми тузилмасига учта элемент йиғиндиси сифатида қаралар эди: режалаштириш, хўжаликни рағбатлантириш ва бошқарувни ташкил қилиш.

Бошқарув механизмини шакллантиришнинг ушбу ёндашувида унинг таркибидаги энг фаол қисм-инсонлар фаолиятининг мотивлари – истисно этиларди.



1-расм. Корхона иқтисодий механизмининг функционал-мақсадли тузилмасининг шакли.

Бошқарув механизми инсонларнинг манфаатларини юқорида қабул қилинган қарорларга бўйсундириш учун мўлжалланган эди. Бундай механизм фақатгина бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари қўлланган ҳолда

мавжуд бўлади. Шубҳасиз, иқтисодиётни бошқариш механизми самарали бўлиши учун, у инсонлар фаолияти мотивациясини кучайтириши лозим.

Шундай қилиб, бошқарувнинг комплексли механизми хўжалик юритувчи субъектларнинг мақсадга йўналтирилган ўзаро таъсирининг иқтисодий, мотивация, ташкилий, ҳуқуқий (баъзи ҳолларда эса сиёсий) усулларининг йиғиндиси ҳамда бошқарув томонлари, объектлари ва субъектлари манфаатларини таъминловчи таъсир ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Райзберг Б.А, Лозовский Л.Ш., Стародубцова Е.Б. Современный экономический словарь.-М.:ИНФА-М, 2005.
2. Ўлмасов А., Ваҳобов А.В. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик.-Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2006. 275 б.
3. Зайнутдинов Ш.Н. ва бошқ. Менежмент асослари .Т: Молия. 2001 й.
4. А.М.Пшикова. Противоречия хозяйственного механизма 3(7) 2006. Электронный экономический журнал. http://uecs.mcnip.ru/modules
5. Абалкин Л.И. Сущность, структура и актуальные проблемы совершенствования хозяйственного механизма // Экономические науки.1978. №8. С. 33.
6. Масленникова Л.А. Формирование экономического механизма управления организацией на основе концепции цепочки ценностей. Кандидатская диссертация на соискание ученной степени кандидата экономических наук. / Москва. 2001. 166 с. www.ecsoman. edu.ru.
7. О.Ш.Маманазаров. Бозор шароитида бошқаришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш (“Муборакнефтгаз” унитар шўъба корхонаси мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация иши.-Тошкент, 2009-153 б.